Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	1 729,6	2 859,1	1 787,9	1 572,7	1 058,7	389,1	275,3	76,7	449,9	10 199,1
Хорижий бош компаниялар ва филиаллар	480,4	478,2	302,8	123,8	173,2	106,6	48,7	13,8	128,1	1 855,7
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	486,5	543,1	427,5	48,7	61,4	10,6	7,4	36,2	96,5	1 717,9
Расмий манбалар (Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	198,6	255,9	114,8	51,1	5,3	1,7	0,0	0,0	69,4	696,9
Халқаро облигациялар	0,0	0,0	375,0	600,0	300,0	0,0	700,0	0,0	0,0	1 975,0
ЖАМИ	2 895,2	4 136,3	2 633,0	2 171,4	2 198,6	508,1	1 031,4	126,7	743,9	16 444,5

Фоизлар*(млн. доллар)*

Кредитор тури	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2029 дан кейин	ЖАМИ
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	36,6	65,1	21,7	23,2	11,0	2,0	1,0	0,7	0,6	162,0
Хорижий бош компаниялар ва филиаллар	36,5	51,6	29,6	1,1	0,4	1,2	0,0	0,2	1,1	121,6
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	12,3	7,4	1,5	1,0	0,1	0,3	0,1	0,7	0,3	23,8
Расмий манбалар (Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	7,0	1,6	1,4	0,4	0,1	0,0	0,0	0,0	0,0	10,5
ЖАМИ	92,4	125,7	54,2	25,8	11,6	3,5	1,1	1,6	2,0	317,8

2022 йилнинг 9 ойи учун хусусий ташқи қарз бўйича тушумлар ва тўловлар тўғрисида маълумот
(Қарз олувчининг тури: банклар)

(млн. доллар)

Кредитор тури	Давр бошига	Давр давомидаги амалга оширилган операциялар					Давр охирига
	Асосий қарз бўйича ҳақиқий қарздорлик	Тушум	Асосий қарз бўйича сўндирилган маблағ	Фоиз бўйича тўловлар	Асосий қарз бўйича тўлов муддатининг кўчирилиши	Фоизлар бўйича тўлов муддатининг кўчирилиши	Асосий қарз бўйича ҳақиқий қарздорлик
1	2	3	4	5	6	7	8
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	5 518,8	1 022,0	1 457,6	173,1	0,0	0,0	4 740,6
Хорижий бош компаниялар ва филиаллар	0,0	4,0	-	0,0	0,0	0,0	0,0
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	347,8	19,0	48,6	20,8	0,0	0,0	299,2
Расмий манбалар (Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	378,8	230,9	145,2	12,4	0,0	0,0	459,9
Халқаро облигациялар	993,2	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	881,6
ЖАМИ	7 238,6	1 275,9	1 651,4	206,3	0,0	0,0	6 381,2

АСОСИЙ ҚАРЗ ВА ФОИЗЛАР БЎЙИЧА БЎЛАЖАК ТЎЛОВЛАРНИНГ ПРОГНОЗИ*(Қарз олувчининг тури: банклар)***Асосий қарз***(млн. доллар)*

Кредитор тури	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2029 дан кейин	ЖАМИ
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	1 247,0	1 741,0	598,8	292,5	361,4	171,7	117,5	69,9	140,6	4 740,6
Хорижий бош компаниялар ва филиаллар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	77,8	169,6	29,9	6,1	4,0	6,8	5,0	0,0	0,0	299,2
Расмий манбалар (Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	145,7	177,6	89,1	43,7	3,6	0,1	0,0	0,0	0,0	459,9
Халқаро облигациялар	0,0	0,0	375,0	600,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	975,0
ЖАМИ	1 470,6	2 088,3	717,8	717,3	969,0	178,6	122,5	69,9	140,6	6 474,6

Фоизлар*(млн. доллар)*

Кредитор тури	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2029 дан кейин	ЖАМИ
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	29,1	24,2	5,0	2,9	2,1	1,1	1,0	0,7	0,6	66,8
Хорижий бош компаниялар ва филиаллар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	1,9	4,5	0,5	0,2	0,1	0,3	0,1	0,0	0,0	7,5
Расмий манбалар (Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	3,9	1,1	1,0	0,4	0,1	0,0	0,0	0,0	0,0	6,5
ЖАМИ	35,0	29,8	6,5	3,4	2,3	1,4	1,1	0,7	0,6	80,8

2022 йилнинг 9 ойи учун хусусий ташқи қарз бўйича тушумлар ва тўловлар тўғрисида маълумот

(Қарз олувчининг тури: тўғридан-тўғри инвестиция киритилган ташкилотлар)

(млн. доллар)

Кредитор тури	Давр бошига	Давр давомидаги амалга оширилган операциялар					Давр охирига
	Асосий қарз бўйича ҳақиқий қарздорлик	Тушум	Асосий қарз бўйича сўндирилган маблағ	Фоиз бўйича тўловлар	Асосий қарз бўйича тўлов муддатининг кўчирилиши	Фоизлар бўйича тўлов муддатининг кўчирилиши	Асосий қарз бўйича ҳақиқий қарздорлик
1	2	3	4	5	6	7	8
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	2 462,3	145,5	469,3	50,1	0,0	0,0	2 136,7
Хорижий бош компаниялар ва филиаллар	1 318,8	722,3	149,1	7,0	0,0	0,0	1 855,7
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	292,2	111,2	12,3	1,9	0,0	0,0	384,1
Расмий манбалар (Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	67,3	0,0	12,0	1,7	0,0	0,0	55,2
ЖАМИ	4 140,7	979,0	642,7	60,7	0,0	0,0	4 431,7

АСОСИЙ ҚАРЗ ВА ФОИЗЛАР БЎЙИЧА БЎЛАЖАК ТЎЛОВЛАРНИНГ ПРОГНОЗИ*(Қарз олувчининг тури: тўғридан-тўғри инвестиция киритилган ташкилотлар)***Асосий қарз***(млн. доллар)*

Кредитор тури	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2029 дан кейин	ЖАМИ
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	238,9	554,8	488,4	599,5	143,6	111,6	0,0	0,0	0,0	2 136,7
Хорижий бош компаниялар ва филиаллар	480,4	478,2	302,8	123,8	173,2	106,6	48,7	13,8	128,1	1 855,7
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	149,4	37,7	39,1	19,7	25,7	0,5	0,5	28,0	83,5	384,1
Расмий манбалар (Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	19,7	26,7	8,8	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	55,2
ЖАМИ	888,5	1 097,4	839,1	743,0	342,5	218,7	49,2	41,8	211,6	4 431,7

Фоизлар*(млн. доллар)*

Кредитор тури	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2029 дан кейин	ЖАМИ
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	3,4	10,7	11,2	14,1	1,4	0,9	0,0	0,0	0,0	41,6
Хорижий бош компаниялар ва филиаллар	36,5	51,6	29,6	1,1	0,4	1,2	0,0	0,2	1,1	121,6
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	0,9	0,4	0,6	0,8	0,0	0,0	0,0	0,7	0,3	3,7
Расмий манбалар (Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	2,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	2,0
ЖАМИ	42,8	62,7	41,5	15,9	1,7	2,1	0,0	0,9	1,3	168,9

2022 йилнинг 9 ойи учун учун хусусий ташқи қарз бўйича тушумлар ва тўловлар тўғрисида маълумот
(Қарз олувчининг тури: банклар ва тўғридан-тўғри инвестиция киритилган ташкилотлардан ташқари, барча қарз олувчилар)

(млн. доллар)

Кредитор тури	Давр бошига	Давр давомидаги амалга оширилган операциялар					Давр охирига
	Асосий қарз бўйича ҳақиқий қарздорлик	Тушум	Асосий қарз бўйича сўндирилган маблағ	Фоиз бўйича тўловлар	Асосий қарз бўйича тўлов муддатининг кўчирилиши	Фоизлар бўйича тўлов муддатининг кўчирилиши	Асосий қарз бўйича ҳақиқий қарздорлик
1	2	3	4	5	6	7	8
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	2 158,5	2 159,8	964,3	34,9	0,0	0,0	3 321,8
Хорижий бош компаниялар ва филиаллар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	750,4	379,4	88,9	29,3	0,0	0,0	1 034,6
Расмий манбалар (Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	100,5	101,2	18,3	3,6	0,0	0,0	181,8
Халқаро облигациялар	974,5	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	788,1
ЖАМИ	3 983,9	2 640,5	1 071,4	67,8	0,0	0,0	5 326,3

АСОСИЙ ҚАРЗ ВА ФОИЗЛАР БЎЙИЧА БЎЛАЖАК ТЎЛОВЛАРНИНГ ПРОГНОЗИ*(Қарз олувчининг тури: банклар ва тўғридан-тўғри инвестицияси бўлган ташкилотлардан ташқари, барча қарз олувчилар)***Асосий қарз***(млн. доллар)*

Кредитор тури	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2029 дан кейин	ЖАМИ
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	243,6	563,3	700,7	680,8	553,7	105,9	157,8	6,7	309,3	3 321,8
Хорижий бош компаниялар ва филиаллар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	259,3	335,7	358,5	23,0	31,7	3,3	1,9	8,3	13,0	1 034,6
Расмий манбалар (Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	33,2	51,6	16,9	7,4	1,7	1,6	0,0	0,0	69,4	181,8
Халқаро облигациялар	0,0	0,0	0,0	0,0	300,0	0,0	700,0	0,0	0,0	1 000,0
ЖАМИ	536,1	950,6	1 076,0	711,2	887,1	110,8	859,7	15,0	391,7	5 538,2

Фоизлар*(млн. доллар)*

Кредитор тури	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2029 дан кейин	ЖАМИ
Хорижий банклар ва бошқа молиявий институтлар	4,1	30,2	5,5	6,2	7,6	0,0	0,0	0,0	0,0	53,6
Хорижий бош компаниялар ва филиаллар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Экспортчилар ва бошқа хусусий манбалар	9,4	2,6	0,4	0,1	0,1	0,0	0,0	0,0	0,0	12,6
Расмий манбалар (Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар)	1,0	0,4	0,4	0,1	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	1,9
ЖАМИ	14,5	33,2	6,2	6,4	7,7	0,0	0,0	0,0	0,0	68,1

МЕТОДОЛОГИК ИЗОҲ

2018 йилдан бошлаб Марказий банк Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича Қўлланманинг олтинчи нашрига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) мувофиқ тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси кўрсаткичларини тайёрлаб келмоқда.

Ташқи сектор статистикаси (тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси)ни тузишдан асосий мақсад мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини, хусусан унинг кўрсаткичлари, валюта курси сиёсати, захираларни бошқариш ва эҳтимолий рискларга нисбатан ташқи таъсирчанлигини таҳлил қилиш учун умумлаштирилган асосни таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси бўйича маълумотлар фойдаланувчиларга чораклик асосда тақдим этилади.

Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича маълумотлар сўнгги мавжуд маълумотлар асосида мунтазам равишда қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Ушбу методологиянинг изоҳи Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича Қўлланманинг олтинчи нашридан (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) олинган бўлиб, фойдаланувчиларга тўлов балансининг асоси, принциплари ва кўрсаткичларининг таркибини тушунишга-рини осонлаштиришга мўлжалланган.

1.1. Тўлов балансининг методологик стандартлари.

Тўлов баланси – маълум бир давр мобайнида резидент ва норезидентлар ўртасидаги иқтисодий операцияларни умулаштирган кўринишда акс эттирувчи тизимлаштирилган макроиқтисодий ва статистик ҳисобот. Маълумотлар ТБҚ (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) асосида ҳисоб юритиш-нинг стандарт қодалари ва тамойилларига мувофиқ тузилади ва таснифланади.

Таърифлар ва асосий тамойиллар.

Таркибий жиҳатдан тўлов баланси жорий операциялар ҳисоби, капитал операциялари ҳисоби ва молиявий ҳисобдан иборат. Жорий операциялар ҳисоби савдо баланси, бирламчи ва иккиламчи даромадлар балансини қамраб олади. Капитал операциялари ҳисоби ишлаб чиқарилмаган номолиявий активлар ва капитал трансфертларининг келиб тушиши / чиқиб кетишини кўрсатади. Молиявий ҳисоб тўғридан-тўғри инвестициялар, портфел инвестициялар, молиявий деривативлар, бошқа инвестициялар ва захира активларидан иборатдир.

Жорий операциялар ҳисоби ва капитал операциялари ҳисоби сальдоларининг йиғиндиси дунёнинг қолган қисми соф кредитланишини (тўлов баланси сальдосини) кўрсатади. Назарий жиҳатдан у молиявий ҳисоб сальдо-сига тенг бўлиши керак. Молиявий ҳисоб ҳамда нооперацион ўзгаришлар (курс, нарх ва бошқалар) йиғиндиси халқаро инвестицион позициянинг давр боши ва охиридаги қолдиқлар ўртасидаги фарқни беради.

Иқтисодий бирлик – иқтисодий манфаатлар марказига ҳамда бир йилдан ортиқ бўлган муддат давомида мамлакат ҳудудида доимий жойлашувига эга бўлганда резидент ҳисобланади. Бунда жисмоний шахслар учун рези-дентлик фуқаролигидан қатъи назар аниқланади.

Мамлакатнинг иқтисодий ҳудуди ҳукумат томонидан бошқариладиган ва бир хил қонунчилик амал қиладиган унинг географик ҳудудидан иборатдир.

Жисмоний ёки юридик шахс давомий ёки муддати бўйича чекланмаган вақт давомида мамлакатнинг иқтисодий ҳудуди доирасида маълум бир жойлашув – турар жой, ишлаб чиқариш жойи ёки кўчмас мулкка эга бўлганда

мамлакатда иқтисодий манфаатлар марказига эга ҳисобланади.

Иқтисодий секторлар

Тўлов баланси молиявий ҳисобининг таркибий қисмлари – тўғридан тўғри инвестициялар, портфел инвестициялар, молиявий деривативлар ва бошқа инвестициялар – операцияларни амалга ошираётган резидентлар бўйича гуруҳланади:

Марказий банк – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;

Марказий банкдан ташқари депозит ташкилотлар – Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари;

Ҳукумат – давлат бошқарувининг марказий ва маҳаллий органлари;

Бошқа соҳалар икки турга бўлинади: бошқа молиявий ташкилотлар (микромолиявий ташкилотлар, суғурта ташкилотлари ва бошқалар) ҳамда номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар.

Транзакцияларнинг турлари

- айирбошлашлар – операциянинг бир иштирокчиси томонидан иқтисодий қийматнинг унга тенг бошқа қийматга ўтказилишини англатувчи айирбошлаш сифатида талқин қилинадиган транзакциялар. Тўлов балансида акс этувчи транзакцияларнинг аксарияти айирбошлашлар сифатида таснифланиши мумкин;

- трансфертлар – бир томон бошқа бир томонга ҳеч қандай мажбуриятларсиз иқтисодий қийматни тақдим қилишини ифодаловчи транзакциялар.

- инобатга олинadиган транзакциялар – тўлов балансида инобатга олинadиган ва акс эттириладиган, амалда тўлови бажарилмаган яъни ҳисоблаб ёзилган транзакциялар.

Юқорида қайд этилган транзакциялар тўлов балансининг ҳисобларида қуйидагича акс эттирилади:

Товарлар мамлакатнинг чегарасини кесиб ўтувчи товарлар билан амалга ошириладиган

барча транзакцияларни ёки резидент ва норезидентлар ўртасида эгалик ҳуқуқининг ўтишини (тўлов балансининг методологияси бўйича товарлар экспорти ва импорти, портларда сотиб олинган товарлар ва номонетар олтин) ўз ичига олади.

Хизматлар резидентнинг норезидентга ва норезидентнинг резидентга кўрсатган барча турдаги хизматларни қамраб олади ва қуйидагиларга бўлинади:

- бошқа томонга тегишли бўлган моддий ресурсларни қайта ишлаш билан боғлиқ хизматлар;

- бошқа категорияларга тегишли бўлмаган ремонт ва техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ хизматлар;

- барча турдаги транспорт хизматлари (йўловчи, юк ва бошқалар);

- саёҳатлар (иш ва туризм мақсадларида Ўзбекистонда саёҳат қилаётган норезидентларнинг харажатлари ҳамда иш ва туризм мақсадларида хорижда саёҳат қилаётган резидентларнинг харажатлари);

- молиявий воситачиларнинг хизматлари;

- бошқа категорияларга кирувчи хизматлар (қурилиш, суғурта, компьютер ва ахборот хизматлари, бошқа иш билан боғлиқ хизматлар, хусусий шахсларга кўрсатилган маданий ва дам олишга оид хизматлар, бошқа категорияларга мансуб бўлмаган давлат товарлари ва хизматлари);

Бирламчи даромадлар резидент ва норезидентлар ўртасидаги икки турдаги оқимларни кўрсатади:

- иш берувчи томонидан иш ҳақи эвазига пул ёки натурал шаклда тўланган ишчининг даромади бўлиб, бунда операцияларнинг иштирокчилари турли резидентлик мавқеига эга. Бу мукофотлар ташриф буюрилган мамлакатда тўланадиган ва жорий трансфертлар сифатида акс эттириладиган солиқларни ҳам ўз ичига олади. Ташриф буюрилган мамлакатдаги ишчиларнинг харажатлари «Хизматлар» бўлимининг «Сафарлар» компонентида акс эттирилади;

- инвестицион даромадлар резидентнинг ташқи активлари ёки ташқи мажбуриятлар бўйича қўлга киритган ёки тўлаб бериши лозим бўлган даромадларни ўз ичига олади. Инвестицион даромадлар тўғридан тўғри инвестициялар, портфел инвестициялар, бошқа инвестициялар ва захира активлари бўйича даромадларни ўз ичига олади. Инвестицион даромадлар дивидендлар, реинвестиция қилинган даромадлар, фоизлар ва суғурта ҳамда нафақа схемаларига эга шахсларнинг ва инвестицион фондларнинг пайларига эга шахсларга тўланган маблағлардан иборат.

Иккиламчи даромадлар резидент ва норезидентлар ўртасидаги жорий трансфертларни кўрсатади. Ушбу даромадлар категориясида бир иқтисодиётдан бошқа иқтисодиётга ҳеч қандай мажбуриятларсиз ўтказилган молиявий ёки моддий ресурслар акс эттирилади. Грантлар, гуманитар ва техник кўмаклар иккиламчи даромадларнинг энг кўп тарқалган мисоллари ҳисобланади. Мазкур гуруҳ, шунингдек, жорий халқаро ҳамкорлик, жорий даромад солиқлари, шахсий тансфертлар, ижтимоий тўловлар ва ҳаётни суғурталаш билан боғлиқ бўлмаган суғурта тўловларни ҳам ўз ичига олади.

Капитал ҳисоби резидент ва норезидентлар ўртасидаги олиниши ёки тўланиши лозим бўлган капитал трансфертларни, шунингдек, ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларнинг сотиб олиниши ёки сотилишини акс эттиради. Трансферт агар асосий фондларни сотиб олиш мақсадига ега бўлса ёки капитал қурилишни назарда тутса капитал ҳисобланади.

Ишлаб чиқарилмаган номолиявий активлар шартномалар, лицензиялар, маркетинг активлари ва табиий ресурслар (яъни, ер) каби номоддий активларни ўз ичига олади.

Молиявий ҳисоб активлар ва мажбуриятлар бўйича тўғридан тўғри инвестициялар, портфел инвестициялар, молиявий деривативлар, бошқа инвестициялар ва захира активлари каби бўлимларга ажратилади.

Тўғридан-тўғри инвестициялар халқаро инвестицияларнинг категорияси бўлиб, бунда бир иқтисодиёт резиденти (тўғридан-тўғри инвестор) узоқ муддатли фаолият юритиш учун бошқа иқтисодиёт резидентининг (тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхона) улушларини сотиб олади. Компаниянинг овоз бериш ҳуқуқини берувчи оддий акцияларининг 10%дан кам бўлмаган улушига ёки акциядорлик жамияти шаклида бўлмаган компанияда мос улушга эгалик қилувчи инвестор тўғридан-тўғри инвестор ҳисобланади. «Тўғридан-тўғри инвестиция-лаш» тушунчаси ўзаро боғлиқ корхоналар ўртасида маблағ ва моддий ресурслар киритилишини ҳам қамраб олади (корхоналар, уларнинг филиаллари ва бош офислари ўртасидаги капитал инвестициялар). Тўғридан тўғри инвестициялар акциядорлик капитали, реинвестиция қилинган даромад ва бошқа даромадларни ўз ичига олади.

Портфел инвестициялар инвестицион фондларнинг акция ва пайлари ҳамда қарз қимматли қоғозлари каби шаклларга эга. Халқаро бозорларда муомалада бўлган қарз қимматли қоғозлари бозор нархларида акс эттирилади.

Молиявий деривативлар бу молиявий воситалар бўлиб, бунда улар маълум бир молиявий воситаларга, кўрсаткичларга ёки хом-ашё товарларига боғланади ҳамда улар орқали махсус молиявий хатарлар сотилиши ёки сотиб олиниши мумкин. Молиявий деривативлар бўйича транзакциялар своп, опцион, кафолат, депозит ва бошқалар бўйича транзакцияларни ўз ичига олади ҳамда соф асосда баҳоланади.

Бошқа инвестициялар биринчи навбатда молиявий активларнинг соф ўзгариши ва молиявий мажбуриятларнинг соф ўзгариши бўлимларига ажратилади. Бошқа инвестициялар бошқа қимматли қоғозлар, валюта ва депозитлар, қарз мажбуриятлари, суғурта ва нафақа схемалари, савдо кредитлари ва бўнақлари, тушум/тўлов учун бошқа ҳисобларни қамраб олади.

Бошқа қимматли қоғозлар тўғридан тўғри инвестициялар ёки захира активлари бўлмаган

инвестицияларни ўз ичига олади. Бошқа қимматли қоғозлар қимматли қоғозлар шаклида бўлмайди, шунинг учун қимматли қоғозлар бўлимига киритилмайди.

Валюта ва депозитлар Марказий банк, тижорат банклари, айрим ҳолларда бошқа институционал секторларга нисбатан барча талабларни ўз ичига олиб, нақд пул ва тангалар ҳамда депозит кўринишида бўлади.

Суғурта, нафақа дастурлари ва стандарт суғурта дастурлари (а) суғурта техник захиралари (ҳаётни суғурталашдан ташқари), (б) ҳаёт суғуртаси ва аннуитет бўйича тўлов ҳуқуқи, (в) нафақа олиш ҳуқуқи, (г) нафақа жамғармалари маблағларини бошқарувчи компанияларга нисбатан нафақа жамғармаларининг талаблари, (д) нафақа жамғармалари билан боғлиқ бўлмаган ижтимоий тўлов учун ҳуқуқ, (е) стандарт кафолат бўйича талабларни қоплаш учун захираларни ўз ичига олади.

Савдо кредитлари ва бўнақлари товар ва кўрсатилган хизматларга нисбатан эгалик ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган пайтда у учун тўлов ўша пайтнинг ўзида амалга оширилмаслик ҳолатида пайдо бўлади. Агар эгалик ҳуқуқининг ўтишигача тўлов амалга оширилса, савдо бўнақи ўринли бўлади.

Тушум / тўлов учун бошқа ҳисоблар юқорида келтирилган категориялардан ташқари тушум / тўлов учун бошқа ҳисоблардан иборат.

Махсус қарз олиш ҳуқуқи (МҚҲ) халқаро захира активи бўлиб, ХВЖ томонидан яратилган ва унинг аъзоларига уларнинг расмий захираларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилади. МҚҲга фақат ХВЖ аъзоларининг монетар органлари ва чекланган миқдордаги халқаро молиявий институтлар эгалик қилиши мумкин.

Захира активлари ташқи активлар бўлиб, Марказий банк ихтиёрида бўлади ва у томонидан тўлов балансини молиялаштириш, валюта бозорида интервенцияни амалга ошириш ва шу билан боғлиқ бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Тўлов баланси **икки ёқлама ёзув тизими** асосида шакллантирилади. Ҳар бир транзакция бир хил катталиқдаги иккита ёзув билан акс эттирилади. Ёзувларнинг бири кредит бўйича, бошқаси дебет бўйича амалга оширилади. Масалан, экспорт операцияси амалга оширилганда, ушбу транзакция тўлов балансининг «экспорт» қисмида кредит бўйича ва «Активлар – валюта ва депозитлар» қисмида дебет бўйича акс эттирилади. Барча дебет ва кредит ёзувларининг йиғиндиси нолга тенг бўлиши керак. Аммо амалиётда кўп ҳолларда ҳисоблар мувозанатлашмайди. Тўлов баланси учун маълумотлар кўпинча турли хил манбалардан олинади ва бунинг оқибатида фарқлар пайдо бўлиб, улар «соф хато ва йўқотишлар» қаторида акс эттирилади.

Кредит бўйича ёзувлар экспорт, олинган бирламчи ва иккиламчи даромадлар ва ишлаб чиқарилмаган номолиявий активлар-нинг хариди бўйича амалга оширилади.

Дебет бўйича ёзувлар импорт, тўланган бирламчи ва иккиламчи даромадлар ва ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларнинг сотуви бўйича амалга оширилади.

Халқаро ҳисоблар **молиявий ҳисобдаги соф ўзгаришлар ёзуви тамойилига амал қилади**. Соф ёзувлар тамойили тўлов балансининг айнан бир томонидаги маълум бир молиявий активлар ва мажбуриятларнинг соф ўзгаришини кўрсатади (ўсишдан пасайишни айириш орқали). Молиявий активлар ва мажбуриятлар бўйича транзакциялар «Молиявий активларнинг соф ўзгариши» ва «Молиявий мажбуриятларнинг соф ўзгариши» бўлимида акс эттирилади. Молиявий активларнинг соф ўзгариши активнинг ошиши ва айнан шу активнинг камайиши ўртасидаги фарққа тенгдир. Мусбат ишорали ёзув активларнинг кўпайишини, манфий ишорали ёзув активларнинг камайишини англатади. Молиявий мажбуриятларнинг соф ўзгаришини ҳисоблашда активларни ҳисоблашдаги каби усулдан фойдаланилади.

Бозор нархлари халқаро ҳисобларни баҳолашнинг асоси ҳисобланади. Транзакциялар бўйича бозор нархлари харидорнинг ихтиёрий равишда бирор-бир нарсани уни

ихтиёрий равишда сотаётган сотувчига тўлашга тайёр бўлган маблағларнинг ҳажми каби аниқланади. Айирбошлаш фақатгина мустақил шахслар ўртасида ва тижорат мақсадларида амалга оширилади.

Транзакциянинг қайд этилиш вақти – мулк ҳуқуқи ўтишининг ҳақиқий ёки баҳоланган вақти. Бу транзакция молиявий ҳисоботларда акс эттирилган вақтдир.

Тўлов баланснинг стандарт ва таҳлилий кўриниши

Стандарт кўриниш – тўлов баланси кўрсаткичлари миллий ҳисоблар ва бошқа макроиқтисодий статистикага мувофиқ бўлган шаклда гуруҳланади.

Тўлов баланснинг таҳлилий кўриниши – халқаро захиралар, халқаро донорларнинг кредитлари ва бошқа манбалар томонидан тўлов баланснинг умумий салдосини молиялаштириш манбаларини акс эттириш мақсадида тўлов баланснинг стандарт кўринишини қайта ташкил қилишни кўзда тутлади.

1.2. Маълумотларнинг манбалари ва компонентларни тузиш бўйича изоҳлар

Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, маҳсулот тақсимотига оид келишув бўйича корхоналар ва операторларнинг маълумотлари, Давлат персоналлаштириш маркази, Марказий банк, Молия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа давлат ҳамда хусусий ташкилотлар тўлов балансини тузиш учун керакли маълумотларнинг асосий манбалари ҳисобланади.

Маълумотларнинг сифатини яхшилаш ва уларнинг методология билан мувофиқлигини таъминлаш мақсадида олинган ҳисоботлар билан бирга айрим ўзгартиришлар киритилади.

Товарларнинг импорт/экспортга оид маълумотлар

Тўлов балансида экспорт ва импортга оид маълумотлар ФОБ нархларида акс эттирилади. Товарларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилиши бўйича маълумотлар Давлат божхона қўмитасидан олинади. Импорт

қилинаётган товарларнинг СИФ нархлари товар юкланадиган минтақа ва чегарадаги транспорт тури инобатга олинган ҳолда товарнинг оғирлиги бўйича ҳисобланган коэффициент асосида тўғирланади.

Давлат божхона қўмитасидан олинган расмий маълумотлар олтин экспортига оид маълумотлар билан тўлдирилади ва Марказий банк томонидан амалга ошириладиган «мокилик» экспорти ва импортини баҳолаш ҳамда қўшимча маълумотлар ва асосий савдо ҳамкорлари бўйича «қарама-қарши» статистикадан аниқланган фарқлар асосида тўлдирилади.

Жисмоний шахслар томонидан кейинчалик қайта сотиш мақсадида олиб кирилган/олиб чиқилган товарларнинг нархи «мокилик» савдоси иштирокчилари сонининг улар томонидан экспорт ёки импорт қилинган товарларнинг (мамлакатнинг барча ҳудудларидаги аэропорт ва чегара постларида ҳар чоракда ўтказилган сўровнома асосида шакллантирилади) ўртача нархларига кўпайтириш орқали ҳисобланади.

Халқаро хизматлар:

Транспорт хизматлари бўйича расмий маълумотлар Давлат статистика қўмитасидан олинади. Салмоқли ва етмаётган компонентлар бўйича қўшимча маълумотлар олинади ва ҳисоб-китоб қилинади. Хусусан:

Транспорт хизматлари бўйича

- ҳаво, темир йўл ва автомобил транспортига оид хизматларнинг ҳажми баҳоланади. Масалан, ҳаво транспортига оид хизматлар ҳаво транспорти орқали мамлакатга келган ва уни тарк этган чет эл фуқароларининг сонини (миллий авиатранспорт хизматидан фойдаланган Ўзбекистон фуқаро-ларини чиқариб ташлаган ҳолда) Ўзбекистон фуқароларининг ташриф буюрадиган асосий мамлакатларига бориш чиптасининг ўртача нархига кўпайтириш йўли билан аниқланади;

- ҳаво транспорти орқали амалга ошириладиган экспорт бўйича маълумотлар, шунингдек Ўзбекистон аэропортларидаги ҳаво кемалари орқали экспорт қилинган ҳамда

хорижий мамлакатларидаги Ўзбекистоннинг ҳаво кемалари орқали импорт қилинган товарлар ҳақидаги маълумотлар миллий авиаташувчидан олинади;

- норезидентлар учун ташиладиган юкларнинг ҳажми ва нархига оид маълумотлар «Ўзбекистон темир йўллари» АҚдан олинади;

- СИФ-ФОВ бўйича тузатишлар ҳар бир транспорт тури бўйича импорт қийматларига мазкур транспорт тури бўйича импорт ҳажмининг унинг умумий ҳажмидаги улушидан келиб чиқиб алоҳида қўшилади.

Сафарлар бўйича:

- иш билан боғлиқ туризмнинг дебети ва кредити бўйича Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига қисқа муддатли ишчиларнинг хорижда ишлаш даврида амалга оширган харажатлари қўшилади;

- шахсий сафарларнинг (туризм) дебети ва кредити бўйича туризм хизматлари экспорти ва импортнинг қийматлари чегара хизмати маълумотлари ва 2018 йилнинг май ойида Давлат статистика қўмитаси томонидан ўтказилган туризмга оид сўровнома натижаларига асосан ҳисоблаб чиқилади. Резидентлардан олинган туризмга оид сўровнома натижалари бўйича шакллантирилган коэффициентлар транспорт харажатлари қийматларини ҳам ўз ичига олганлиги сабабли транспорт харажатларини икки марта ҳисобга олишни олдини олиш учун мақсадида улар туризм дебетидан чиқариб ташланади.

Бошқа хизматлар бўйича:

- бошқа категорияларга кирмайдиган давлат хизматлари ҳақидаги маълумотларни акс эттириш учун Ташқи ишлар вазирлигидан олинган маълумотлардан фойдаланилади.

- сўғурта билан боғлиқ хизматларни акс эттириш учун маълумотлар сўғурта компанияларидан олинади ҳамда фарқлар аниқланган ҳолатларда тузатишлар киритилади. Бундан ташқари, СИФ-ФОВ тузатувлари бўйича ҳисобланган юкларни сўғурталаш хизматлари ҳам акс эттирилади.

Бирламчи даромадлар

- бирламчи даромадларнинг ҳисоб-китоблари Марказий банк томонидан шакллантирилладиган пул ўтказмаларига оид маълумотлар ва Давлат божхона қўмитаси томонидан 2018 йилгача шакллантирилган нақд хорижий валютанинг олиб киритилишига оид маълумотлар асосида амалга оширилади. Маълумотлар Ўзбекистон Респуб-ликаси ҳудудидаги элчихоналар ва халқаро муассасаларда ишлаётган резидентлар даромад-ларининг ҳажми билан тўлдирилади.

Қисқа муддатли ишчиларнинг иш ҳақларини баҳолаш техник кўмак бериш миссияси доирасида ХВЖ мутахассиси томонидан тавсия этилган тартибда амалга оширилади. Бунда қисқа муддатли ишчилар сонининг қолдиғини аниқлашда ҳисоб-китобларда жорий ва сўнгги уч чорақда хорижга ишлаш мақсадида борган Ўзбекистон фуқаролари сонининг камаювчи қолдиқ коэффициенти қўлланилади. Қисқа муддатли ишчилар ту-шумларининг жами қийматини аниқлаш учун уларнинг сонини даромадларининг ўртача қийматига кўпайтирилади. Мазкур ёндашув-ни қўллаш орқали уларнинг сафар харажат-лари ва солиқ ҳамда патент божлари ҳам аниқланади.

- инвестицион даромадлар Марказий банк, тижорат банклари, Молия вазирлиги ва маҳсулот тақсимотига оид битим (МТБ) асосида фаолият юритувчи корхоналардан олинган маълумотлар асосида ҳисобланади. Бунда тижорат банклари кафолатланмаган хусусий қарз бўйича ҳисоб-китобларга оид маълумотларни тақдим қилса, Молия вазирлиги эса ҳукумат томонидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинган қарз маблағлари бўйича ҳисоб-китобларга оид маълумотларни тақдим қилади.

Иккиламчи даромадлар

- шахсий ўтказмалар ҳисоби Марказий банк томонидан шакллантирилган халқаро пул ўтказмалари оқими маълумотлари ва Давлат божхона қўмитаси томонидан 2018 йилгача тузилган олиб кирилган нақд чет эл валютаси маълумоти асосида амалга оширилади. Ўзбекистон фуқоралари томонидан олинган

умумий халқаро пул ўтказмалари ва олиб кирилган нақд чет эл валютаси қийматидан қиска муддатдаги ишчиларнинг соф даромади айрилиб ҳисобланади.

- пул кўринишида тақдим этилган грантлар ҳақидаги маълумотлар тижорат банклари томонидан тақдим қилинади, товар ва маҳсулот кўринишида олинган инсонпарварлик ёрдами эса Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим қилинадиган маълумотлардан олинади.

- Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотларга тўланган тўловлари ҳақида маълумот беради.

Капитал ҳисоб

Капитал трансфертлар тижорат банклари ва бошқа маълумот ресурсларидан олинган маълумотлар асосида тузилади.

Молиявий ҳисоб

Туғридан-туғри инвестициялар

- тўғридан-тўғри инвестициялар ҳақида маълумотлар Халқаро валюта жамғармаси томонидан тавсия килинган ҳисобот формаларида Давлат статистика қўмитаси тарафидан амалга оширилган сўровнома натижалари асосида тузилади. Шу билан бирга, маҳсулот тақсимотида оид битимлар доирасида фаолият юритаётган корхоналар ўзларига киритилган инвестициялар ҳақида маълумот берадилар. Тижорат банкларига ва нобанк молиявий ташкилотларга (суғурта компаниялари, лизинг компаниялари ва бошқалар) амалга оширилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳақидаги маълумотлар тижорат банклари ва нобанк молиявий ташкилотлар томонидан тақдим қилинади. Ўзаро боғлиқ корхоналар ўртасидаги фирмалараро қарзлар бўйича маълумотлар тижорат банклари томонидан тақдим қилинади.

- Ўзбекистон корхоналарининг чет элга киритган тўғридан тўғри инвестициялари қиймати сезиларли даражада эмас. Шунингдек, уларнинг реал ҳажмини маъмурий маълумотлар ёрдамида аниқлашнинг имкони мавжуд эмас.

Портфел инвестициялар

- портфел инвестициялар ҳақида маълумотлар Халқаро валюта жамғармаси томонидан тавсия килинган ҳисобот формаларида Давлат божхона қўмитаси тарафидан амалга оширилган сўровнома натижалари асосида тузилади. Тижорат банкларига ва нобанк молиявий ташкилотларга (суғурта компаниялари, лизинг компаниялари ва бошқалар) амалга оширилган портфел инвестициялар ҳақидаги маълумотлар тижорат банклари ва нобанк молиявий ташкилотлар томонидан тақдим қилинади. Муомалада бўлган кимматли қоғозларнинг бозор нархлари тўғрисидаги маълумотлар «Bloomberg»дан олинади.

Бошқа инвестициялар

- ташқи қарз ва вакиллик ҳисобидаги қолдиқлар ҳақидаги маълумотлар Марказий банк, Молия вазирлиги ва тижорат банклари маълумотлари асосида тузилади;

- савдо кредитлари тижорат банкларидан олиннадиган ҳисоботлар асосида тузилади.

Захира активлари

- Марказий банк захира активлари ҳақидаги маълумотлар манбаи ҳисобланади.

1.3. Халқаро инвестицион позициясининг методологик стандартлари

Ўзбекистон Республикасининг Халқаро инвестицион позицияси (ХИП) тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси Қўлланмасининг олтинчи нашри асосида тузилади (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.).

ХИП маълум бир давр учун мамлакатнинг ташқи молиявий активлари ва мажбуриятларининг қолдиғини кўрсатади. ХИП Марказий банк, Марказий банкдан ташқари депозит қабул қилувчи корпорациялар, ҳукумат ва бошқа секторлар каби турли институционал секторларнинг норезидентларга нисбатан талаб ва мажбуриятларининг тўлиқ таркибини ўз ичига олади. Бу ҳисоботнинг асосий бўлимлари молиявий ҳисоб бўлимларига тўғри келади: тўғридан-тўғри инвестициялар, портфел инвестициялар, молиявий дери-

вативлар, бошқа инвестициялар ва захира активлари.

Иқтисодиётнинг молиявий активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги фарқ соф инвестицион позицияга тенгдир. Шундай қилиб, ХИПдаги сектор «соф кредитор» ёки «соф қарздор» бўлиши мумкин.

ХИП жадвал кўринишида тузилиб, ўзида операциялар бўйича оқимлар ва қолдиқларни акс эттиради.

1.4. Маълумотлар тузишнинг қонуний асослари.

1. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги Р-5054-сонли «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларининг оммабоплиги ва очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 263-сонли «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сектори статистикаси шакллантирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

Фойдаланилган атамалар

Термин	Изоҳ
Трансчегаравий пул ўтказмалари	Пул маблағларини қабул қилувчининг ҳисобварағига киритиш ёки унга нақд кўринишда бериш мақсадида халқаро тўлов тизимлари орқали ўтказилиши.
Омил даромадлари	Ресурсларни ёки ишлаб чиқариш омилларини (ер, меҳнат, капитал) ишлатишдан олинadиган даромадлар.
Ташқи савдо айланмаси	Ой, чорак, йил каби маълум бир муддат давомида давлат, давлатлар гуруҳи ёки маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг (вилоятларнинг) ташқи савдо ҳажмини акс эттирувчи пул билан ўлчанадиган иқтисодий кўрсаткич. У экспорт ва импорт қийматларининг йиғиндисига тенг.
Тўлов балансидаги тузатишлар	Маълумотларни тўлов баланси талабларига янада мувофиқлаштириш учун уларнинг қамрови, таснифи, ҳисоботда акс эттириш вақти ва қийматини баҳолашдаги ҳар қандай зарурий ўзгартиришлар.
Мокилик савдоси	Сафардаги шахслар томонидан товарларни мамлакатда (ёки унинг ташқарисида) қайта сотиш учун ҳарид қилиш амалиётларини англатади
FOB шартдаги экспорт	<u>Инкотермс</u> даги халқаро савдо атамаларидан бири бўлиб, бунда товарни портга етказиш ва уни ҳаридор томонидан кўрсатилган транспорт воситасига ортиш сотувчининг мажбурияти ҳисобланади ҳамда товарни транспорт воситасининг бортигача етказиш билан боғлиқ харажатлар сотувчининг зиммасига тушади.
CIF шартдаги импорт	<u>Инкотермс</u> даги халқаро савдо атамаларидан бири бўлиб, бунда товарлар жўнатиш портидаги транспорт воситасига юклангандан сўнг сотувчи товарни етказиб берган ҳисобланади, сотув нархи эса товарнинг қийматини, фрахт ёки транспорт харажатларини, шунингдек, юк ташиш олдидан суғурталаш тўловларини ўз ичига олишини англатади.
Портлардаги товарлар	Норезидент-ташувчилар томонидан портларда сотиб олинadиган товарлар. Уларга ёқилғи, озиқ-овқат, захиралар, балластлар, маҳкамлаш материаллари ва бошқалар киради.
Номонетар олтин	Монетар олтиндан (пул-кредит сиёсатини амалга оширувчи органларга тегишли бўлган ва захира активлари сифатида сақланувчи қуйма олтинлар) бошқа ҳамма олтинни ўз ичига олади. Таркибида олтин бўлган заргарлик буюмлари, уларнинг қисмлари ва ҳ.к. номонетар олтин ҳисобланмайди, улар товарлар экспорти ва импортида акс эттирилади.
Махсус қарз олиш ҳуқуқи (МҚҲ)	ХВЖ томонидан яратилган Халқаро захира активи бўлиб, ХВЖнинг аъзоларига уларнинг расмий захираларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилади.
Халқаро инвестицион позиция	Халқаро инвестицион позиция (ХИП) – макроиқтисодий тушунча бўлиб, мамлакатнинг норезидентлар олдидаги молиявий актив ва мажбуриятларининг умумий ҳажми ва тузилишини акс эттиради.

Термин	Изоҳ
Маҳсулот тақсимотига оид битимлар	Маҳсулот тақсимотига оид битим шартнома ҳисобланиб, унга мувофиқ давлат ҳақ олиш асосида ва муайян муддатга чет эллик инвесторга битимда кўрсатилган ер қаъри участкасида конларни аниқлаш, қидириш ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ҳамда шулар билан боғлиқ бўлган ишларни олиб бориш учун мутлақ ҳуқуқлар беради, инвестор эса мазкур ишларни ўз маблағлари ҳисобига ва таваккал қилиб амалга ошириш мажбуриятини олади.
Соф кредитор	Активлари мажбуриятларидан кўпроқ бўлган иқтисодий субъект.
Соф қарздор	Мажбуриятлари активларидан кўпроқ бўлган иқтисодий субъект.
Монетар олтин	Пул-кредит сиёсатини амалга оширувчи органларга тегишли бўлган ва захира активлари сифатида сақланувчи қуйма олтинлар, ушбу қуйма олтин бошқа идораларга солиганда демонетизация бўлиб, номонетар олтин сифатида эътироф этилади.
УХХКНТ	Уй хўжаликларига хизмат кўрсатадиган нотижорат ташкилотлари
Тескари инвестициялаш	Тўғридан-тўғри инвестиция корхонаси томонидан ўз тўғридан-тўғри инвестори қимматли қоғозларини сотиб олиш амалиёти
Қардош корхоналар	Таъсисчи битта хорижий мамлакатда бўлган икки ёки ундан ортиқ бошқа мамлакатларда жойлашган корхоналар
ЎТТЖ	Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси
ХВЖ	Халқаро валюта жамғармаси